

Полиэтелен плёнка остига

экилган ғўзани суғориш режими

2010 йил Андижон вилоятида 50 минг гектар атрофидаги майдонларда чигит плёнка остига экилди. Бу усул бўйича вилоятда етарлича тажрибалар тўпланган. Чигитни плёнка остига экиш ғўза майдонларида физик буғланишни жиддий қисқартиради.

Ғўза экилган майдонда вегетация (ўсиш даври) даврида умумий сув буғланиш сарфининг 30 фоизи тупроқ юзасидан буғланишни ташкил қилади. Ғўза экилган майдон 50 фоиз пластик пленка билан қопланган бўлса, унда тупроқ юзасидаги физик буғланиш ғўза экилган майдоннинг умумий сувга бўлган талабининг 15 фоизини ташкил қилади. Ғўза плёнка остига экилган майдонда тупроқ юзасидан буғланишнинг камайиши, полиэтилен плёнка билан қопланган майдонда ҳосил бўлган радиацион иссиқликнинг кўп қисми атрофдаги ўсимликларга узатилади. Шу билан бир вақтда ўсимликнинг сувга бўлган эҳтиёжи ортади. Натижада, ўсимликнинг умумий сувга бўлган эҳтиёжини 12 фоизга камайтиради. Бу эса, бир вақтда ўсимликни тез ривожланишига олиб келади ва пахта ҳосилдорлигини 2,0-2,5 центнерга оширади.

Илмий тадқиқот институтларининг маълумотларига асосланиб плёнка остига ғўза экилганда унинг физик буғланишга ва ўсимлик транспирациясига таъсири ва пахта майдонининг сув сарфи, ўсимликнинг илдизи ўсган тупроқ қатламининг сув режими ва тупроқнинг кундалик намлик баланси ва ҳоказоларга асосланиб сизот сувлари чуқур жойлашган ҳар ҳил механик таркибли қумоқ тупроқлар учун ғўзани қуйидаги суғориш меъёри тавсия қилинади:

1. Қумли ва ўртача қумоқ тупроқларда қатлами қалинлиги (0,2-0,5 м)даги ва асоси кум-шағалдан иборат ётғизикларда:

- чигит униб чиқиш ва ғўза гуллаш арафасида икки марта $700 \text{ м}^3/\text{га}$ дан сув бериш меъёри тавсия қилинади. Биринчи сув бериш вақти 10-15 кунга одатдагидан (плёнка ғўланилмаганига нисбатан) кечиктирилади. Иккинчи сув бериш айна гуллаш арафасида берилди. Айна пайтда шунга эътибор бериш керакки тупроқнинг намлиги ошиб кетмаслиги керак. Агар тупроқ намлиги ошиб кетса ғўза ғовлаб кетади ва ўсиш нуқталарининг ораси 4-5 см мевали шохлари ўрнига 6-8 см шохлар пайдо бўлади.

- ғўза гуллаш ва ҳосил тўплаш даврида $800 \text{ м}^3/\text{га}$ меъёрида 5 марта сув бериш тавсия қилинади. Сув бериш вақти бир ҳафтага кечга сурилади. Пахта пишиш даврида охириги сувни $700 \text{ м}^3/\text{га}$ меъёрида 7-10 кун одаттигидан кеч берилди.

2. Қумоқ ва енгил қумоқ тупроқларда қалинлиги (0,5-1,0 м) атрофида бўлганда қуйидаги суғориш режими тавсия қилинади:

- чигит чиқиш ва ғўза гуллаш арафасида икки марта ҳар бирида $700 \text{ м}^3/\text{га}$ меъёрида сув берилди. Сув бериш вақти 10 кунга одатдагидан кечиктирилади;

- ғўза гуллаш ва кусак тугиш даврида 4 марта суғориш тавсия қилинади. Ҳар бири сув $800 \text{ м}^3/\text{га}$ меъёрида берилди ва суғориш вақти 5 кунга кечиктирилади;

- пахта пишиш даврида 1 марта $700 \text{ м}^3/\text{га}$ меъёрида сув бериш тавсия қилинади. Сув бериш вақти бир ҳафтага кечиктирилади.

3. Ўртача ва оғир қумоқ тупроқларда қуйидаги суғориш режими тавсия қилинади:

- чигит униб чиқиш ва гуллаш арафасида бир марта $800 \text{ м}^3/\text{га}$ меъёрида сув бериш тавсия қилинади. Сув бериш вақти бир ҳафтага одатдагидан кечиктирилади.

- ғўза гуллаш ва кўсак тугиш даврида уч марта $1200 \text{ м}^3/\text{га}$ меъёрида сув бериш тавсия қилинади. Ҳар бир сув бериш вақти одатдагига нисбатан бир ҳафтага кечиктирилади;

- пахта пишиш даврида бир марта $900 \text{ м}^3/\text{га}$ меъёрида сув бериш тавсия қилинади. Сув бериш вақти одатдагига нисбатан 10 кунга кечиктирилади.

Суғоришни эгат оралатиб бажаришни тавсия қилинади. Бунда суғориш вақти 1,5 мартаба узайтирилади. Катта нишабликларда суғориш вақти деярли икки мартаба узайтирилади.